



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 8 декабрь, № 253 (7211)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИЛИМЛИ АВЛОД – БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ – ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли
ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан мана шу муҳташам саройда кўришиб турганимдан мамнунман.

Барчангизни, бутун халқимизни
ушбу кўтлуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни ихсдор қилишга ижозат бергайсиз.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқро майдонда муносоиб ўрин эгаллашида мустахкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз 26 йил давомида босиб ўтган гоят мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салохиятидан далолат беради.

Асосий Қонунимиз негизда яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин эгалламоқда.

Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бошлаган улкан ислохотларимизни самарали амалга оширишда ушбу тасалларнинг аҳамияти кун сайин тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Айнан шу сабабли **Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш — барчамизнинг шарафли бурчимиздир.**

Азиз юртодошлар!

Инсон қадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айlandи.

Буюк соҳибқирон Амир Темури бобоимиз Оксарой пештоқиға **“Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”**, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улғувор гоё инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдевориға айlandи.

Шу йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида дунёдаги таниқли сиёсатчилар, кўзга кўринган олим ва эксперт-

лар томонидан бу борада ўтган қисқа даврда амалга оширган ишларимизга муносиб баҳо берилди. Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширди. Энг муҳими, Осиё форуми инсон ҳуқуқлари бўйича халқро амалиётга **“Самарқанд руҳи”** деган тўшунча ва тамойилни олиб кирди.

Бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахс-ни айблашда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор тақоррарлайман: **судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак.**

Бу борада Алишер Навоий бобомиз **“Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат кўргонини” бунёд эт”**, деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор.

Адолат кўргони қачон пайдо бўлади? Қачони суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойиллариға қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.

Кейинги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳам муҳим чоралар кўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда — эътибор беринг — бор-йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди.

Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинди.

Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта кўриш амалиётига бутунлай чек қўйилди. Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Бунинг натижасида жиноят йўлиға адашиб кириб, қилмишиға чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йигит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталарининг қафиллиги билан жазодан озод қилинди.

Шунингдек, жазони ўтаётган 3 минг 333 нафар, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларға кириб қолган 646 нафар маҳкум афв этилиб, оиласи бағриға қайтарилди.

Улуғ байрам — Конституция кунини муносабати билан бугун махсус Фармонни имзоладим. Унга кўра, қилмишиға чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлиға қатъий ўтган ва айни пайтда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 136 нафар шахс афв этилди.

Бир пайтлар диний экстремистик гуруҳларға алоқаси бор, деб назоратға олинган 20 мингдан зиёд фуқаро “махсус ҳисоблар”дан чиқарилиди.

Ман этилган ташкилотларға адашиб кириб қолган, қилмишиға пушаймон бўлиб, тузалиш йўлиға ўтган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идораларор комиссияси тўзилди.

Жойларда судьяликка номзодларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўрганиш учун жамоатчилик комиссиялари ташкил этилди.

Адолат, очкилик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида судда ишларни электрон тақсимлаш тизими амалиётға киритилди. Эндиқайда инсон аралашувисиз ишчи қайси судья кўришини электрон дастур белгилайди.

Суд-тергов фаолиятида очкилик ва қонунийлиги таъминлаш, сарсону овера бўлиш ва ортиқча сарф-харажатға йўл қўймаслик мақсадида “электрон жиноят иши” ва “масофадан туриб сўроқ қилиш” тизимлари ҳам жорий этилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилди.

Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб бораётган ислохотларимиз натижасидир.

Айни пайтда суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида судьяликка номзодларни танлаш, шахсий ва касбий сифатларини ўрганишнинг чинкам демократик ва ошқоратизимини жорий этиш лозим. Хусусан, жамоатчилик фикрини инобатға олган ҳолда, номзодларни судьялик лавозимига тавсия этиш тартибини қонун билан мустахкамлаб қўйиш мақсадға мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Муносиб топилган номзодларни камида бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимға тайинлаш тизимини жорий этиш зарур. Бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида Судьялар олий мактабини ташкил этишни тақлиф қиламан.

Афсуски, айрим судьялар томонидан ҳали ҳам адолатсиз қарорлар қабул қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг одил судловға бўлган ишончини пугур етказмоқда.

Шу боисдан ҳам, **касбий**

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан 7 декабрь кунини **“Ўзбекистон” халқро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ҳамда спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу кўтлуг айём билан муборакбод этиб, мамлакатимиз ҳаётининг бир йилида рўй берган ўзгариш ва янгиликлар ҳақида маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида барча соҳада амалға оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, халқимиз турмуш шароити яхшиланаётгани, иқтисодиётимиз рақобатбардошлиги мустахкамланиб, мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузи юксалиб бораётгани замирида Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқий кафолатлар мўжассам. Конституциямизда халқимиз асрлар давомида оруз

қилган миллий истиқлолимиз, жонажон Ватанимизнинг тараққиёт йўли, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари белгилаб қўйилган.

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган гоят мураккаб ва шарафли йўл Асосий Қонунимизнинг ҳаётбахш кучи, улкан салохиятидан далолат беради. Конституциямиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичға кўтаришда, инновацион ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин тутмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

белгиланган вазифаларни самарали ва тўлиқ амалға ошириш Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятида энг устувор йўналиш бўлиб қолмоғи лозим.

Конституциямизда қафолатланган фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прописка ва виза беришидаги қўйинчиликлар бартараф этилди.

Дунёдаги 39 та мамлакат фуқаролариға виза бериш тартибининг соддалаштирилгани, электрон виза тизими жорий қилингани натижасида юртимизға бу йил қарийб 4 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрди.

Узоқ йиллар мамлакатимизда истиқомат қилиб, жамият равнақиға муносиб хисса қўшиб келаётган ва биз билан ватандош бўлишни оруз қилган 2 минг 528 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролиғиға қабул қилинди.

Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатиға бўлган ишончига жиддий пугур етказадиган хавф — **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Мана шундай оғир жиноятни содир этган 1 минг 177 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиқа тортилгани бунинг яққол далилидир.

Коррупцияға қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатға мурасасиз бўлмас экан, тасвирчан жамоатчилик назоратини самарали экан, бу балого қарши унотмас курашни ташкил эта олмаймиз.

Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиш керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияға қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт.

Жаҳон тажрибасиға назар ташласак, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Болгария, Греция, Латвия, Эстония каби қўллаб мамлакатларнинг парламентларида коррупцияға қарши курашиш бўйича комиссия ва кўмиталар мавжуд.

Ана шу илғор хорижий тажрибалар ва Конституциямиз талаблари асосида Олий Мажлис палаталарида Коррупцияға қарши курашиш бўйича кўмиталар ташкил қилишни тақлиф этаман. Ушбу кўмиталар барча бундаги давлат идораларида коррупцияға қарши курашни янада кучайтиришға вакиллик органи сифатида муносиб хисса қўшиши лозим.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини амалға ошириш доирасида аҳолиға тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларға эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларға, жумладан, жойларда юқори технологияларға асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалға оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Натижада 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизға, оналар ва чақалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилға нисбатан 4,6 йилға ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Шу билан бирға, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришға қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишға тўқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалға оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатиға доир истак ва талаблариға жавоб бермапти;

иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги металл молиялаштириш тизими эскирган, замонавий халқро амалиётға мос келмайдиган механизмларға асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишиға ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишиға олиб келмоқда;

учинчидан, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишиға сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, аҳолиға тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатлиқни тиклаш жараёнида узвийлик сустр ривожланган;

бешинчидан, амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бунда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истикболларини прогноллаштириш имконини бермапти;

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармониға мувофиқ;

1. Қўйилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолиға сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда, шу жумладан, давлат томонидан қафолатланган ҳаҳмларда, Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг роли ва масъулиятини оширишға йўналтирилган фуқароларнинг соғлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалға ошириш;

демографиya ўзгаришлар ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш истиқболларини прогноллаш, аҳолининг саломатлиги ва касалланган ҳолатини комплекс таҳлил қилиш; жамоат соғлигини сақлаш устуворлигини, **касаликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-ўйи юриб кўриб чиқиш**, аҳолини соғлом турмуш тарзини кечирishiға ундаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагилар соғлигини муҳофаза қилишға масъулият руҳида тарбияланиш таъминлаш;

соғлом авлодини дунёға келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг соғлигини сақлаш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш; ҳам тиббий ёрдамини хизмат қўрсатилаётган аҳолиға яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини (телемедицина, медицина стандартларини, протоколлар ва тавсияларни кенг микёсда жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтакавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимлариға бериш орқали аҳолиға кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитар, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати, оммабоплиги ва тезкорлигини ошириш;

(Давоми 3, 4-бетларда).



БИЛИМЛИ АВЛОД – БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ – ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яна бир муҳим масала — халқимизга хос бўлган инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида жазони ўтаётган шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш тизимини ҳам такомиллаштириш вақти келди.

Маълумки, Конституциямизда барча фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунини инобатга олган ҳолда, маҳкум шахсларнинг келгусида ижтимоий ҳаётга мослашуви учун кўмак бериш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида масофадан туриб таълим олиш тизимини жорий этиш лозим. Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг сайлаш ҳуқуқини чекловчи нормаларни келгусида халқро меъёрлар асосида қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хурматли ватандошлар!
Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш — Конституциямизнинг бош мақсадиридир.

Ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадлари албатта ошиб бормоқда. Шундай бўлса-да, бу борада ҳали Ҳукумат, марказий иқтисодий идоралар ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар олдида кўплаб вазифалар турибди.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли, бу — тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи курсатмоқда.

Конституциямизда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган. Лекин иқтисодиётда давлат аралашувининг оқоролиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни қўлайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга ҳали ҳам тўсиқ бўлиб келмоқда.

Машҳур хитой файласуфи Сунь Цзининг ҳикмати бир гапи бори: **“Солиқларни ҳаддан зиёд қўлайтириш турли талон-тороқлиқни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқбатда, давлат инқирозга учрайди”.**

Кўп йиллар давомида солиқ юқининг юқори бўлгани мамлакатда “хубиёна” иқтисодиёт ўлушининг ортиб кетишига шароит яратди.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, биз авваламбор, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жойбадорлигини ошириш учун **Солиқ сийсатини такомиллаштириш концепциясини** қабул қилдик. Бу концепция устида биз ўзона ишладик. Мазкур ҳужжат лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги, бизнес ҳам-жамияти, халқро молиявий ташкиллар, нуфузли экспертлар томонидан кенг ва атрофлиқа муҳокама қилинди.

Концепция асосида солиқ сийсатида муҳим ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун ҳозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставкаси ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик сугурта бадали эса бекор қилинди.

Бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгариги 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва таълим бўйича мақсадли жағғармаларга 3,2 фоиз микдоридаги мажбурий тўлов бекор қилинди.

Божхона тўлов ставкалари қайта қўриб чиқилиб, 3,5 мингга яқин товарлар бўйича бож микдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайитрилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган махсулотлар учун хом ашёларга, шунингдек, асбоб-ускуна ва техникаларга нисбатан давлат божли олинмайдиган бўлди.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий-ҳўжалик фаолиятини режалли текшириш бекор қилинди. 138 та лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ талаблар соддалаштирилди, уларнинг 42 таси бутунлай тугатилди.

Тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонларини ажратишдаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш, тизимдаги коррупция ҳолатларига барҳам бериш мақсадида ер майдонларини электрон аукцион орқали ажратиш тартиби жорий этилди.

Мулк эгасига зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмагунча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва қўчмас мулкни бузиш тартиби бекор қилинди.

Инвестор ва тадбиркорларга етказилган мулкрий зарарни тўлиқ қоплаб бериш тартиби кафолатланди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан бошлаб тадбиркорларимизни махсулотлар, иш ва хизматларни экспорт қилишда фойда солими ва ягона солиқ тўловидан озод этиш назарда тутилмоқда.

Туризмни жадал ривожлантириш, туристларга муносиб инфратузилма яратиш, хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм махсулотлари ишлаб чиқаришини қўлайтириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар давом эттирилмоқда.

Меҳмонхоналарнинг инфратузилмаси, дам олиш масканлари ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун 2 триллион 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Бунинг натижасида минглаб янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда машҳур бренд меҳмонхоналарни ташкил этиш чораларини кўрмоқдамиз.

Келгуси йилда ҳам фаол тадбиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвесторлар учун кенг шароитлар яратиб бериш, айниқса, инфляция даражасини пасайтиришга қаратилган ишларни давом эттирамиз.

Жумладан, инфляция даражасини прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб туриш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Биринчидан, биз самарадорлиги паст бўлган ва етарлича янги иш ўринлари ярата олмаётган йирик давлат корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратишни қайта қўриб чиқилиш лозим. 2019 йилда кредитлар беришда бюджет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жағғармаси харажатлари қўлаймаслиги керак.

Иккинчидан, миллий валютамиз ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш учун пул-кредит сийсатини тартибга солишнинг замонавий воситаларини жорий этишимиз зарур.

Учинчидан, асосий турдаги озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ва бу орқали нархлар барқарорлигини таъминлашни сийсат керак. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада қўчурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан, стратегик аҳамиятга эга бўлган товарлар бўйича нархларнинг шаклланиш механизмлариини тубдан қайта қўриб чиқиш ҳамда уларни фақат биржа савдолари орқали сотиш, шу асосда эркин рақобат муҳитини яратиш талаб этилади.

Бешинчидан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг бир қисмини давлат томонидан компенсация қилиш чораларини қўришимиз лозим.

Олтинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган истеъмол товарлари импорти бўйича тарифларни тартибга солишнинг мослашувчан механизмлариини жорий қилиш керак.

Еттинчидан, республикамизнинг иқтисодий аҳоли оғир ҳисобланган 27 та шаҳар ва туманини комплекс ривожлантириш мақсадида, аввало, йирик инвестиция лойиҳаларини ушбу ҳудудларда амалга ошириш зарур.

Очик айтиш керак: агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт кўрмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамокчи бўлсак, чабо-чулпа, юзакни эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт.

Ягона йўлимиз шу. Бу — Асосий Қонунимиз талаби. Бошқа йўл йўқ. Биз бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз ва улар албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

Олдимизда жуда машаққатли йўл турибди, лекин аҳолининг оғирини енгили қилиш учун давлат томонидан барча чоралар кўрилади.

Ишончим комил, меҳнатсевар, тадбиркор ва удабурон халқимиз эркин бозор иқтисодиёти шароитида самарали меҳнат қилишга ва муносиб ҳаёт кечиришга албатта қодир.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, бу йил **мамлакатимиз аҳолиси 33 миллион кишидан ошди**. Бу, албатта, қикчина рақам эмас.

Шунинг учун ҳам, фуқароларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этишимиз лозим.

Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдалана билиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қонданиннг ижросини таъминлаш — халқимиз генофондини асраш ёки оддий қилиб айтганда, давлат ва жамият тараққиётининг кафолатидир, десак, аини ҳақиқатини айтган бўламиз.

Юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшга ташкил этди. Болалар ўлими 3 баробар камайишига эришилди. Биз бу борадаги натижаларимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда.

Мана, кучи кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан **Соғлиқни сақлаш тизимини 2019 — 2025 йилларда ривожлантириш концепцияси** қабул қилинди.

Бугунги куннинг талаби бўлган ҳусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Қўрилган чоралар тугайли 2018 йилнинг ўзида 400 дан ортиқ ҳусусий тиббиёт масканлари ташкил этилди.

Биз **“Тарбия гўдақликдан бошланади”**, деган ҳикмати сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг қуйи босқичи — мактабга таълим тизимидан бошладик.

Қиёслаш учун фақат битта мисол келтиришмоқчиман. Сўнгги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сони 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди.

Давлат-ҳусусий шериклик асосида барпо этилаётган ҳусусий мактабга таълим масканлари сўнгги бир йилда икки баробар кўпайди ва 568 тани ташкил этмоқда. Яна мингта шундай боғча очиш бўйича амалий ишлар бошланган.

Жорий йилда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиб, уларни рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Таълим тизимининг кейинги босқичи — олий таълим соҳасида ҳам салмоқли ислохотлар олиб боришмоқда.

Сўнгги икки йилда мамлакатимизда 5 та янги олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди.

Мамлакатимиз тараққиёти учун истеъдодли кадрларни етакчи хорижий таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида **“Эл-юрт умиди”** жағғармаси ташкил этилган хабарингиз бор.

Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз раванқи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртилари, мамлакатимиздаги илмий марказлар **“Эл-юрт умиди”** жағғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак.

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда халқ билан мулоқотларда билдирилаётган тақлифлар асосида келгусида ижтимоий соҳада қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз лозим бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя моделини реал таълиблар асосида умумэтироф этилган халқаро стандартлар даражасига қўтариш зарур.

Бу борада ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ноқор оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни арзон уйлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келаяётганимиз барчангизга маълум. Жорий йилнинг ўзида 21 минг 500 дан зиёд ана шундай оила арзон уй-жойлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, 30 минг 500 га яқин ногиронлиги бўлган шахсларга умумий қиймати 3,6 миллиард сўмлик протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари ажратилди. Уларнинг 16 минг нафари реабилитация марказларида даволаниш ва бу мақсадлар учун қарийб 17 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ана шундай хайрли ишларимизни келгусида ҳам тизимли равишда давом эттирамиз, албатта.

Конституциямизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Жумладан, **2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам оийлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла микдорда тўланади.**

Иккинчидан, тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш ҳамда рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Шифокорлик касбини эғаллаш осон иш эмаслигини, бу инсондан машаққатли меҳнат, мустаҳкам ирода ва матонат талаб этишини ортиқча тушунтиришга ҳолат йўқ, деб ўйлайман. Лекин шу ўринда савол туғилди: биз тиббиёт ходимлирига етарли шароит яратиб бердикми? Уларнинг мошларни, меҳнат шароитлари қилаётган хизматларига муносибми? Афсуски, йўқ.

Жорий йил 1 декабрдан тиббиёт ходимлари ойлигини оширдик, бу — биринчи қадам. Келгуси йилда бу борада бошлаган ишларимизни давом эттирамиз.

Аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишини таъминлаш мақсадида келгусида мажбурий тиббий сугурта тизимини жорий этишимиз керак.

Учинчидан, халқ таълими соҳасидаги таълим стандартлари ва ўқитиш услубларини илгор хорижий тажрибалар асосида, ўқувчилар индивидуал қобилиятини рўёбга чиқариш нуктаи назаридан қайта қўриб чиқиш лозим.

Фарзандларимизнинг қобилиятини рўёбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимиздан яна қўллаб Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман.

Тўртинчидан, касб-ҳунар коллежлари, афсуски, аксарият ҳолларда реал талаб бўлмаган касблар бўйича қуруқ диплом берадиган даргоҳга айланиб қолди.

Мен ҳудудларга ташриф буюганимда одамлар билан кўпроқ мулоқот қилишга ҳаракат қиламан. Хайрон қоласиз, жойларда оддий қурувчи, тракторчи ёки механизатор йўқ. Ишинг қўзини биладиган ер тузувчи ёки сувчи топиш амримаҳол. Кўп жойларда коллежларни битирган болаларни керакли касбга қайта ўқитишга тўғри келмоқда.

Қани, касб тарбияси? Қани, меҳнат бозорини ўрганиш? Афсуски, ҳеч ким бу масала билан жиддий шуғуullanмаяпти.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан бирга иқтисодиётнинг реал секторидидаги талабни камида 10 — 15 йил олдин прогноз қилиб, шунга қараб мутахассис тайёрлаш чораларини қўриши зарур.

Бешинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чоралар қўришимиз лозим.

Савол туғилди: мамлакатимизда ҳақиқий ишсизлар сони қанча? Иқтисодиётнинг норасмий секторида неча фоиз аҳоли банд? Хорижга иш қидириб кетганларнинг сони-чи?

Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам — ўнга муаммо дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади.

Биз бу йил қабул қилган **“Ҳар бир оила — тадбиркор”** ҳамда **“Ёшлар — келажагимиз”** дастурлари доирасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун катта имтиёзлар берилиди. Келгуси йилда ҳам биз ушбу дастурлар ижросини қатъий назоратга олиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира оласак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки қўллаб ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этган бўламиз.

Олтинчидан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар қуриш бўйича ишларимизни такомиллаштириш керак.

Айрим ҳудудларда уйларнинг сифати бўйича Виртуал қабулхонага одамлар шикоят билан мурожаат қилмоқда. Аинан фуқароларимизнинг талаб ва истақларини инобатга олиб, эҳтиёжманд аҳоли қатламлари учун бунёд этилаётган арзон уйлар сониини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича яқинда алоҳида дастур қабул қилдик. Ушбу дастур ижросига масъул бўлган мутасадди идоралар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришлари ва халқимизни рози қилишлари шарт ва зарур.

Хурматли юртдошлар!
Кейинги икки йилда фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитларини яхшилаш, йиллар давомида тўлғаниб қолган муаммоларини ҳал этишга қаратилган 90 та қонун ҳамда 2 мингдан зиёд Фармон ва қарорлар қабул қилдик.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган 13 мингдан ортиқ топшириқларнинг 20 фоизи мундарида ижро қилинмаган. Бу Вазирлар Маҳкамаси, қатор давлат ва ҳўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликларининг ишга масъулиятсиз ёндашаётганидан далолат бермоқда.

Биз марказда ва жойларда ортиқча мажлисларни кескин камайитириб, кўпроқ амалий ишлар ва аниқ натижа билан шуғуullanганимиз керак. Нега деганда, одамлар қуруқ мажлисбозликдан чарчиди.

Олиб бораётган ислохотларимиз ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда, **Вазирлар Маҳкамаси Фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни чинакам ижро ҳокимиятнинг олий органига айлантириш вақти келди, деб ўйлайман.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳеч қачи мамлакатда осонлиқа амалга оширилган эмас.

Ислохотлар албатта эскича яшаш, эскича ишлашга ўрганиб қолган айрим мансабдорларга ёқмайди. Буняям очик айтишимиз керак. Чунки ўзгариш, янгилашни уларнинг тинчи ва оромини, ҳузур-ҳаловатини бузади. Лекин ҳаёт давом этар экан, ҳаёт талаби бўлган ислохотлар ҳам изчил давом этиши мўқаррар. Бу ҳақиқатини ва талабни барча даражадаги раҳбарлар чуқур англаб олишлари зарур.

Қадри анжуман иштирокчилари!
Сизларга яхши маълумки, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини ташкил этиш Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикерининг конституциявий ваколати ҳисобланади. Лекин, афсуски, парламентнинг бу соҳадаги фаолиятида туб ўзгариш сезилмаяпти.

Жумладан, жорий йилда давлат органлари ва мансабдор шахсларга Сенат бор-йўғи 2 та, Қонунчилик палатаси эса 3 та парламент сўрови юборган, холос.

“Парламент мажлисларида марказий органлар ва ҳудудлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитдик”, деб мактанамиз. Лекин савол туғилди: бундай ҳисоботлар бўлаётган бўлса, уларнинг натижалари бўйича қандай ҳужжатлар қабул қилинди ва ижрога йўналтирилди? Фаолияти қонқарли бўлмаган қайси вазир ёки ҳокимга нисбатан муносабат билдирилди?

Халқ вакилларининг қатъий позицияси қаерда қолди?

Мисол учун, қайси сенатор ёки депутат Солиқ сийсати концепцияси ижроси билан қизиқиб, Молия вазирлиги ёки Давлат солиқ қўмитаси раҳбарларига сўров юборди?

Энг асосий қамчилик шукки, **Олий Махлис ҳали-ҳануз ҳақиқий бaxс-мунозаралар майдонига айлангани йўқ.**

Шу муносабат билан Олий Махлис палаталарида қонунлар ижросини қўриб

чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойларда аҳолини тизимли равишда ўрганиш ва тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, **фуқароларда ҳам ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз.**

Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни беқийсдир. Шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб **“Жамоат фикри”** порталини ишга туширишга қарор қилдик.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари гоят муҳим ўрин тутadi.

Мен оммавий ахборот воситалари фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Лекин, афсуски, ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси билан боғлиқ муаммолар, аҳоли мурожаатлари юзасидан газета, теле ва радиоканалларда танқидий мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар жуда кам.

Ваҳоланки, ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ҳалқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шикоят, профессионал маҳорат, ҳолислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади.

Жамиятимиздаги кенг қўламли ислохотлар самарасини таъминлаш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, Олий Махлис палаталарининг парламент сўровлари ва парламент эшитувлари қонун ва қарорлар ижросини ҳамда ислохотларимиз самарадорлигини таъминловчи таъсирчан воситага айланиши керак.

Иккинчидан, депутат ва сенаторларимиз бевосита жойларга чиқиб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларини тизимли равишда чуқур ўрганиб боришлари зарур. Уларни ҳал этиш бўйича Ҳукумат ва ҳокимликлар олдиға вазифа қўйиши ва талаб қилиши, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни қўришлари айни муддао бўлур эди.

Учинчидан, ўйлайманки, қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунлар қабул қилиш вақти келди.

Мисол учун, ҳозирги вақтда хорижий инвестициялар соҳасида 8 та қонун, 14 та Фармон ва 100 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари мавжуд. Лекин маҳаллий ва чет эллик инвесторларга бизда нечта Фармон ёки қарор борлиги эмас, балки уларнинг аниқ ва самарали ишлаши учун яхлит тизим мавжудлиги муҳим.

Мен ҳурматили депутатларимиздан қонун лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

олтинчидан, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустигли ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Қўйдагилар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ҳодимларининг масъуляти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали **такомиллаштириш**;

жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган **замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг “кластер” моделини шакллантириш**, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-ҳаражат гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий сугуртани босқичма-босқич жорий этиш;

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технология усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, “Она ва бола” ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида **оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш**;

хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиш механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро

стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида;

“электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

2. Қўйдагилар:

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг қўйдагилар тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин:

2019 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг 3-иловага мувофиқ айрим туманларида **тиббиёт муассасаларини “ҳар бир даволанган ҳолат” учун клиник-ҳаражат гуруҳлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш тизимини** (кейинги ўринларда — молиялаштиришнинг янги механизмлари) эксперимент тартибда жорий этиш;

эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиш асосида молиялаштиришнинг янги механизмларини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб **республиканинг барча ҳудудларида** босқичма-босқич татбиқ этиш;

2019 йил 1 июлдан бошлаб вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш тизимини жорий этиш, бунда **кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига қирмайдиган даволаш турлари пуллик асосда амалга оширилади**;

2019 йил 1 июлдан бошлаб **айрим даволаш-профилактика муассасаларини** ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳалари) асосида белгиланган тартибда инвесторларга **ишончли бошқарувга бериш**;

2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий сугурталашни босқичма-босқич жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик):

а) Молия вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қўйдагиларни назарда тутадиган **“Мажбурий тиббий сугурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни** лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин;

мажбурий тиббий сугурталашнинг ҳуқуқий асослари, механизмлари ва жорий этиш босқичлари;

мажбурий тиббий сугурталаш субъектларини, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича ваколатли органини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

мажбурий тиббий сугурталаш дастурларини молиялаштириш маблағларини шакллантириш манбалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармонни амалга оширишда техник кўмакни таъминлаш, шу жумладан, мажбурий тиббий сугурталашни жорий этиш бўйича тадбирларни техник-иқтисодий асосланиш амалга ошириш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиқни ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. **Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни**

амалга ошириш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) ташкил этилсин ва унинг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб Концепцияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда сифатли ишлаб чиқиш ва киритиш ҳамда амалий чоралар кўрилишини ташкил қилиш белгилансин.

Ишчи комиссия (А. А. Абдуҳақимов):

бир ҳафта муддатда вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг мутахассисларини, фуқаролик жамияти институтлари, етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тuzсин, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илгор хорижий тажрибани танқидий таҳлил қилиш асосида тайёрланишини таъминласин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчил ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида белгиланган тартибда қўриб чиқилиши ва киритилиши, шунингдек, Дастурда назарда тутилган бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши устидан доимий назоратни амалга оширсин;

2019 йил 1 апрелга қадар муддатда айрим даволаш-профилактика муассасаларини белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш бўйича инвестиция лойиҳаларини тайёрласин ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Инвестиция порталида жойлаштирилишини таъминласин;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг намунали давлат-хусусий шериклик амалиётларининг мониторингини ва кенг татбиқ этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин, қўйдагилар унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига қўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ягона сибёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

ногиронлиқни белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-усlubий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик мустақил юридик шахс бўлиб, ўз баланси, банк муассасаларида ҳисобварақлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган мурғига эга бўлади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади;

Агентлик директори ўз мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизмати шарт-шароитларига кўра, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат этилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;

ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволанишнинг замонавий услубларини қамраб олиш ва қўллаш йўли билан тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарлиқни таъминлаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини ўйғунлаштириш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогноزلлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётига фан, техника ютуқларини ва илгор тажрибани жорий этиш;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-усlubий раҳбарлик қилиш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган, замонавий, халқаро амалиётда синалган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий қилиш.

2. Соғлиқни сақлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш мақсадида белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири қўйдагиларга шахсан масъулдир:

фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ривожланиш давлат дастурларини амалга ошириш, касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий ёндашувларни, стандартларни ва нормативларни, шунингдек, бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш;

тиббий ташкилотлар менежменти кўникмасига ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга бўлган, ҳар томонлама ривожланган мутахассисларни жалб қилишга қаратилган бошқарув кадрларини тайёрлаш, танлаб олиш ва жой-жойига қўйишнинг мутлақо янги тизимини яратиш;

Вазирлик ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органларининг ишини самарали ташкил этиш, тиббиёт ташкилотларини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, уларнинг фаолиятии очиклигини ва аҳоли билан тўғридан-тўғри манзилли мулоқот ўрнатишини таъминлаш, фуқароларнинг тиббий хизмат кўрсатиш сифатидан қаноатланганлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини татбиқ этиш;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда қонунчилик билан тасдиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. “Мурувват” ва “Саховат” интернет уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар, имконияти чекланган шахслар учун республика ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича республика реабилитация маркази белгиланган тартибда Вазирлик таркибидан Агентлик тасарруфига ўтказилсин.

9. Вазирлик икки ой муддатда Агентлик тузилмаси ва унинг низомини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Белгилансинки, Агентлик фаолиятини ташкил этиш давлат соғлиқни сақлаш тизими органлари ва ташкилотларининг штат сонини оптималлаштириш ҳисобидан “Соғлиқни сақлаш” тармоғи учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

10. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўйдагиларни назарда тутадиган **тиббий таълим ва тиббиёт фани тизимини янада ривожлантириш** бўйича қарори лойиҳасини:

ўрта ва олий тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-усlubий материаллари ва назарий машғулотларни янада оптималлаштириш ва амалий машғулотларни қўйайтириш нуктаи назаридан қайта қўриб чиқиш, шунингдек, уларни тиббиёт фани ва амалиётининг умумжаҳон ютуқларига мувофиқлаштириш;

илгор илмий ишланмалар ва технологияларни амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилишда тиббий олий таълим муассасалари клиникаларининг ролини кучайтириш;

тор мутахассисликлар бўйича тиббий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, магистратура ва клиник ординатурада ўқитиш муддатларини клиник кўникмаларни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда мақбуллаштириш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини, соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини қайта қўриб чиқиш, муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурларини жорий этиш, масофадан ўқитиш механизмларини кенг қўллаш;

бошқарув ва ўқув жараёнига юқори малакали ва малакали хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни кенг жалб этиш;

в) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиiddинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 7 декабрь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 3-бетларда).

7. Куйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 — 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш бошқарув органлари ходимларининг чекланган сони 518 нафар, шу жумладан, Вазирлиқнинг марказий аппарати ходимларининг сони 127 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг намунавий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари, шунингдек, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош шифокорлари, ҳудудий тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

9. Вазирлиқнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари бўйича жаҳон амалиётида қўлланиладиган воситалардан фойдаланган ҳолда **соғлиқни сақлаш ҳисобларининг миллий тизимини** татбиқ этиш бўйича таклифга розилик берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар муддатда соғлиқни сақлаш ҳисобларининг миллий тизимини институтлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатишда фойдаланилган хизматлар ва харажатлар ҳақидаги маълумотларни идоралараро тўплаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан 2019 йил давомида "Саломатлик — 3" лойиҳаси маблаглари ҳисобидан уй-жой ҳўжалиги доирасида аҳолининг тиббий харажатлари бўйича ўрганишлар ўтказсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. А. Абдуҳақимов) уч ой муддатда тиббий ёрдам ва тиббий-ижтимоий хизмат сифатини назорат қилишни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, алоҳида давлат органини ташкил этиш масаласини кўриб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг розилигисиз давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг ер участкалари ва кўчмас мулкларни бегоналаштирилиши тақиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Вазирлиқнинг Тошкент шаҳар,

А. Навоий кўчаси, 12-уйда жойлашган биносини реконструкция қилишни Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги ривожлантириш Давлат дастурига киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Вазирлик ходимларини унинг биноси реконструкция қилиниши даврида вақтинча жойлаштириш учун бино ажратилиши бўйича чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги "Соғлиқни сақлаш органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3052-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлик Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдуваҳитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 декабрь

Ў.А. Сурати.

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йил халқимиз манфаатларини таъминлаш, тадбиркорларда ташаббускорликни кучайтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш борасида тизимли амалий ҳаракатлар даври бўлди. "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури асосида бу борада кенг қўлланми ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари қабул қилиниб, аҳоли ҳаётини тубдан яхшилашга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бу халқимиз эртага, узоқ келажақда эмас, бугун яхши яшаши керак, деган олижаноб гоёни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. "Ҳар бир оила — тадбиркор" ҳамда "Ёшлар — келажагимиз" дастурлари доирасида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича сезиларли ишлар

қилинмоқда. Буларнинг барчаси одамларда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик, эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамламоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида эришилаётган бундай ўзгаришлар нафақат юртимиз, балки бутун минтақа ҳаётига янги руҳ олиб кирди. Қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар янада мустаҳкамланди, халқларимиз ўртасида дўстлик кўприқлари тикланди.

Конституциямиз бошланган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароити яратиш, иқтисодиётимиз тараққиёти, энг муҳими, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек олижаноб мақсадларимизнинг кафолати ва ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизни юксак марраларга руҳлантирадиган беқиёс қудрат манбаи бўлиб хизмат қилаверади.

Тантанали маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида илк бор жонли концерт дастури намойиш этилди.

Ў.А.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Микрокредитбанк»
акциядорлик тижорат банки
жамоаси

**ВАТАНИМИЗ АҲЛИНИ
8 ДЕКАБРЬ —
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНING 26 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!**

«Микрокредитбанк»
аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида
«МКВ mobile»
иловаси орқали замонавий
банк хизматларини тақдим қилади.

Энди Сиз банкка келмасдан куйидаги хизматлардан онлайн равишда исталган пайтда фойдаланишингиз мумкин:

- коммиссион харажатларсиз тўловларни амалга ошириш (мобиль алоқа, интернет, телефония, коммунал тўловлар ва бошқалар);
- картадан картага маблагларни ўтказиш;
- онлайн кредитлар олиш ҳамда сўндириш;
- онлайн омонатлар жойлаштириш;
- QR-кодлари орқали тўлов имконияти;
- халқаро пул ўтказмалари тизими орқали пластик карточкадаги миллий ёки хорижий валютадаги маблагларни ўтказиш (МКВ банк фойдаланувчилари учун);
- онлайн конверсияни амалга ошириш;
- чет эл валюталари курсларини кузатиш;
- иловага махсус PIN-код ёки бармоқ изи орқали кириш имконияти.

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» БИЛАН
МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!**

Телефон: 71-202-99-99. www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

TURON BANK

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни**

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки
жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 26 йиллиги байрами билан
самимий муборакбод этади!**

**Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган
эзгу ишларингизда омад тилайди.
Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик
туйғулари асло тарк этмасин!**

**Тинчлигимиз барқарор,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!**

www.turonbank.uz Хизматлар лицензияланган.

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 9 декабрь, яшанба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.

Тахриратта келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мушаххис — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.05 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6